

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ФАКУЛЬТЕТИ**

«Ҳимояга рухсат этилсин»
факультет декани _____
доц.И.Азимов _____

5141100 Ўзбек тили ва адабиёти бакалавр йўналиши кундузги бўлим
4-курс 402-гуруҳ талабаси Бекназарова Дилобар Эркабой қизининг
“Ўткир Ҳошимов асарларида инкор гапларнинг қўлланиши” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

_____ Ў.Шарипова
ТДПУ “Умумий тилшунослик” кафедраси доценти,
филол.фан.номзоди

Такризчилар:

“Ҳимояга тавсия этилсин”

_____ **С.Мухамедова**
ТДПУ “Умумий тилшунослик” кафедраси
муdiri, филол.фан.док-ри, проф.

ТОШКЕНТ –2012

МУНДАРИЖА

Ишнинг умумий тавсифи.....

I боб. Инкор гапларнинг семантик хусусиятлари

1.1. Инкор категориясининг тилда ифодаланиши.....

1.2. Ўткир Ҳошимов асарларида инкор мазмунининг айрим кирралари.....

II боб. Инкор гапларнинг грамматик хусусиятлари

1.1. Ўткир Ҳошимов асарларида инкор гапларнинг структураси.....

1.2. Ўткир Ҳошимов асарларида риторик сўроқ гапларда инкор мазмунининг ифодаланиши.....

III боб. БМИнинг амалиётга татбиғи

3.1. Синтаксис мавзуси ёритилган дарсликлар таҳлили.....

3.2. Очiq дарс ишланмаси.....

Умумий хулосалар.....

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....

БМИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китобидаги “Тил элни бирлаштириши лозим” мақоласида таъкидлаганларидек: “ Бинобарин, ўз она тилини билмаган одам ўзининг шажарасини, ўзининг илдизини билмайдиган, келажаги йўқ одам, киши тилини билмайдиган унинг дилини ҳам билмайди, деб жуда тўғри айтишади... Ҳар қайси миллат, катта ё кичиклигидан қатъи назар, ўз она тилини ҳурмат қилади ”.¹ Дарҳақиқат, тил, аввало, миллатни миллат қилувчи восита, тил миллат кўзгусидир. Зеро, тилимизда бизнинг қиёфамиз, маънавиятимиз акс этади, тил миллат вакилининг маънавиятини намоён қилади. Мустақиллик даврининг энг улуғ имконият ва неъматларидан бири бу ўзбек тилининг ўз ерида обрў, эътибор топиши, Давлат тили мақомини олишидир. Бугунги кунда ўзбек тили миллий мафкурамизнинг таркибий қисмларидан ва мустақиллигимизнинг бош белгиларидан бири бўлиб қолди. Ўзбек тилини ҳао томонлама тадқиқ қилиш, айниқса, ўзбек ёзувчиларининг асарларида қўлланаётган бебаҳо бойлигимиз- она тилимизнинг чексиз имкониятларини аниқлаб, ёритиб бериш доимий долзарб вазифа ҳисобланади. Шунга кўра ушбу БМИда атоқли ўзбек носир Уткир Ҳошимов асарларида қўлланилган инкор гапларнинг лисоний хусусиятлари тадқиқ қилинади. Булар ишнинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек тилшунослигида синтактик бирликлар тадқиқ қилинган ишлар - номзодлик ва докторлик диссертациялари жуда кўп. Булар сирасига А.Ғуломов, М.Асқарова, Ш.Шоабдурахмонов, Ғ.Абдурахмонов, С.Аширбоев, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Д.Лутфуллаева ва б. атоқли олимларнинг ишларини киритиш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида . -Тошкент: Маънавият, 2011. –Б.69-70.

мумкин. Аммо Ўткир Ҳошимов асарларининг тили ҳозирча яхлит тадқиқот доирасида ўрганилган эмас.

БМИ ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан алоқадорлиги. Тадқиқот Низомий номидаги ТДПУ “Умумий тилшунослик” кафедрасининг «2010-2015 йилларга мўлжалланган БМИ мавзулари банки» истиқбол режаси асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўткир Ҳошимов асарларида қўлланган инкор гапларнинг лисоний хусусиятларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқот объекти: Ўткир Ҳошимов асарларида қўлланган инкор гаплар.

Тадқиқот предмети: Ўткир Ҳошимов асарларида қўлланган инкор гапларнинг семантик –синтактик хусусиятлари.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- 1) Инкор категориясининг тилда ифодаланишини ёритиш;
- 2) Ўткир Ҳошимов асарларида инкор мазмунининг айрим қирраларини кўрсатиш;
- 3) Ўткир Ҳошимов асарларида инкор гапларнинг структурасини кўрсатиш;
- 4) Ўткир Ҳошимов асарларида риторик сўроқ гапларда инкор мазмунининг ифодаланишини очиқ бериш ва б.

Тадқиқотнинг методологик асослари ва методлари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг назарий асарлари ва миллий истиқлол ғояси тадқиқотнинг бош методологик асосини ташкил этади.

БМИда тавсифий, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилди.

БМИнинг илмий янгилиги. БМИда инкор категориясининг тилда ифодаланишини ёритиб берилди, Ўткир Ҳошимов асарларида инкор мазмунининг айрим қирралари кўрсатилди; Ўткир Ҳошимов асарларида

инкор гапларнинг структурасини кўрсатилди; Ўткир Ҳошимов асарларида риторик сўроқ гапларда инкор мазмунининг ифодаланиши очиқ берилди.

Тадқиқотнинг натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти: Тадқиқотнинг назарий аҳамияти шундаки, Ўткир Ҳошимов асарларида инкор мазмунининг айрим қирраларини семантик жиҳатидан ўрганилишга хизмат қилади. Мазкур тадқиқотнинг қиймати ва аҳамияти Ўткир Ҳошимов асарларида инкор мазмунининг айрим қирраларини аниқлашда структур-семантик таҳлилга ўргатувчи ўқув қўлланмаларини яратиш муаммолари ечимини топиш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. БМИ Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Ўзбек тили ва адабиёти факультети “Умумий тилшунослик” кафедрасида муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия қилинган. БМИ натижалари бўйичада маъруза қилинди ва очиқ дарс ўтказилди.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ 3 боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажмисаҳифани ташкил қилади.

I боб. Инкор гапларнинг семантик хусусиятлари

1.2. Инкор категориясининг тилда ифодаланиши

Инкор категорияси барча тиллар учун умумий бўлиб, унинг ифодаланиши ўзига хос хусусиятлари билан ўзаро фарқилади. Шунга кўра инкор категорияси ҳар бир тилда алоҳида муаммо саналади. Бинобарин, ҳар бир тилнинг инкор ифодаловчи воситалари атрофлича (коммуникатив ва стилистик планда) ўрганилиши назарий ва амалий жиҳатдан катта аҳамият касб этади.

Инкор, одатда, тил воситалари ёки махсус нутқ формалари ёрдамида ифода этилади. Шунга кўра инкор категориясини лисоний ва нутқий планда текшириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Логик тасдиқ ва инкор категориялари гапда хабар беришнинг энг характерли хусусиятларидандир. Гапнинг асосий белгиларидан бири бўлган ҳукм тасдиқ ва инкор йўли билан ҳосил қилинади.

Инкор категорияси гапда кесим орқали шаклланади. Унинг кесимда намоён бўлиши бутун гапга хос бўлиб, бошқа бўлакларда ифодаланишини ўша бўлаккагина хосдир, яъни гапнинг кесим инкор формада бўлса, гапнинг ўзи ҳам инкор мазмунида бўлади, бошқа бўлаклардаги инкор формалар гапнинг тасдиқ мазмунига таъсир этмайди. Бу жиҳатдан А.М.Пешковскийнинг фикри диққатга сазовордир: «Кесимдаги инкор умумий бўлиб, бошқа бўлаклардаги инкор хусусийдир».³⁸ Қиёс қилайлик: Эртага ёғингарчилик бўлмаслиги кутилади (тасдиқ) - Эртага ёғингарчилик бўлиши кутилмайди (инкор). Ҳукмга хос инкор, одатда, тасдиқ гаплар заминида лингвистик ва паралингвистик воситалар ёрдамида ҳосил бўлади.

Инсон ўз ўз нутқида доимо ортиқча жумлалардан кутилишга, зарур нарсаларни эса бўрттириб кўрсатишга интилади. Ана шу ўрикларда

айтилиши лозим бўлмаган ортиқча формал воситаларни компенсация қилишда кинетик воситалар ёрдамга келади.

Паралингвистик воситалар, биринчидан, нутқни ихчамлаштиради, иккинчидан эса, нутқни компенсациялаш фнукциясини бажаради.

Туркий халқларда, жумладан ўзбекларда калланинг горизонтал ҳаракати қисман ва тўлиқ инкор маъноларини ифодалаб келиши мумкин. Бу вақтда бош олдин чапга, сўнг ўнгга бир марта силкиниб, Яна ўзининг аввалги ҳолатига қайтади. Бу ҳаракат ўзидан олдин келган гапнинг кесмга эмас, балки кесимдан бошқа бўлакларга жавоб бўлиб келса, қисман инкор маъносини ифодалайди. Имо - ишорадан сўнг кўпинча вербал восита орқали тасдиқ жавоб ҳам баён қилинади. Чунончи, - Мана бу Очил буванинг кичик ўғлими? - Калланинг горизонтал ҳаракати + Карим аканинг.

Сўроқ гапнинг кесимга жавоб бўлиб келган калланинг горизонтал ҳаракати тўлиқ инкорни ифодалайди.

- Бирор еринг оғрияптими? - Бола бошини чайқабди.

Бундай имо - ишора инкор билдирувчи вербал жавоб биргаликда ҳам ишлатилиши мумкин. - Аканг келдими: - калланинг горизонтал ҳаракати + келгани йўқ.

Агар бошнинг горизонтал ҳаракати бир мартадан ошса, у вақтда инкорни эмас, балки сўзловчининг роҳатланиш, ачиниш, ҳайратланиш каби турли эмоционал муносабатларини ифодалайди.

Ўзбекларда қуйидаги қўл ҳаракатлари инкор маъносини ифодалаши мумкин:

1. Ўнг қўл кафти ўзидан орқага очилган ва тепага кўтарилган ҳолатда олдин чап томонга, сўнгра ўнг томонга горизонтал равишда силкитилиб, қўл

яна ўртага келганда тўхтайди. Бу ҳаракат кўп маъноли бўлиб, умумий инкор маъноси билан бирликни ҳосил қилади. У: 1. Маълум ҳаракатни юзага чиқариш инкори, а) гапириш ҳаракатининг инкори («айтма» функциясида); б) келиш ҳаракатининг инкори; в) тегиш ҳаракатининг инкори.

2. Мавжудликнинг инкори. («Йўқ» функциясида) маъноларини ифодалаш мумкин. Ўнг қўл кафти суҳбатдош томонга очилган ҳолатда тирсакдан пастки қисми (билан қисми) тепага кўтарилади. Бу ҳаракат суҳбатдошнинг ҳаракатини тўхтатиш учун ишлатилади. Ҳаракатни давом эттириш инкор қилинади. Вербал воситадаги бўлишсиз феълли инкор гапларнинг компенсацияси бўлиб келади. Баъзан буи мо - ишора билан бирга, «бас қил», «етар», «бўлди», «тўхта» каби вербал вербал воситалар ҳам ишлатилиши мумкин. Икки қўлнинг кафти икки ёнга қараб очилади. Бундай кинетик белги диалогда сўроқ гаплардан сўнг ишлатилиб, сўралаётган нарсадан ўзининг хабардорлигини инкор қилинади. Бошнинг елка томон силкиниши ёки елканинг бош томонга кўтарилиш ҳаракати билан маънодошдир.

Ўзбекларда инкор ифодаловчи кинетик белгилар сифатида бош, қўл ва қисман лаб ҳаракатларидан фойдаланилади».³⁹

Шуни айтиш керакки, имо - ишораларнинг нутқ таркибидаги функцияси бир хил эмас. Баъзилари нутқ билан бирга ишлатилиб, унинг экспрессив - стилистик оттенкасини кучайтириш учун хизмат қилса, баъзилари экономияга учраган нутқ бирликларидан айримларини компенсацияси учун ишлатилади. Яна бир гуруҳи эса, ўзининг кузатиб бориши лозим бўлган вербал асосидан тамоман узилади ва шу вазиятда тўла вербал восита ўрнида қўлланади.

Имо - ишораларнинг бу уч вазифаси синчиклаб кузатилганда бир - бири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги кўринади ва бирини иккинчисидан келиб чиққан деб ҳукм чиқаришга имкон беради.

Хуллас, нутқда информация бериш учун тил бирликларидан ташқари Яна бир катор воситалар ҳам хизмат қилади. Шу туфайли уларни комплекс равишда ўрганиш оғзаки нутқнинг ёзув орқали бериб бўлмайдиган ранг - баранг томонларини очиб беришда ёрдам беради.

Бўлишли ёки бўлишсиз формада келиши феълга хос асосий хусусиятлардан ҳисобланади. Ҳар қандай феъл бўлишли ёки бўлишсиз формада бўлади. Бўлишли форма ҳаракатнинг тасдиғини, бўлишсиз форма инкорини билдиради (ёзди - ёзмади каби). Бўлишсизлик (инкор) маъноси махсус грамматик воситалар ёрдамида ифодаланади;

- ма аффикси. Феълнинг тусланишли ва тусланишсиз формаларида ҳам инкор маъносини ифодалаш учун -ма аффикси қўллана олади: ёзмапти, ёзмайдиган, ёзмагач каби. Фақат ҳаракат номининг бўлишсиз формаси - мослик аффикси ёрдамида ясалган ясовчи шакл стилистик жиҳатдан нейтраллиги ва қўлланиш доирасининг кенглиги билан бўлишсизликнинг бошқа формаларидан фарқланади. Фақатгина мақсад равишдоши (айтгани кетди) -ма аффикси билан қўлланмайди. Лекин бундан мақсад равишдошни билдирган ҳаракат ҳеч вақт инкор этилмайди, деган хулоса чиқмайди. Бу равишдош билдирган ҳаракатнинг ичкари икки хил йўл билан ифодаланади: 1) асосий феълнинг бўлишсиз шакли орқали: кўргани келмади, билгани келди; 2) эмас тўлиқсиз феъли орқали: Қадимги мусаввирлар фикистани гўдак қиёфасида тасвирлагани бежиз эмас (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар, 44-бет).

Феъл ҳаракат белгисини билдирувчи сўзлар билан қўлланганда, инкор маъноси фақат ҳаракатнинг ўзига эмас, балки бутун бирикманинг мазмунига оид бўлади: Узоқ - узоқдан келган ушбу «қадрларнинг» аҳволини тушунишш қийин эмасди (Ў.Ҳошимов. Ҳадикли тушлар, 352-бет).

Етакчи - кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларда -ма аффиксининг қўлланиши уч хил кўринишга эга:

- 1) етакчи феълга қўшилади: ёзмай тур;
- 2) кўмакчи феълга қўшилади: ёза кўрма;
- 3) ҳар иккаласига қўшилади: ёзмай қўйма.

Етакчи ва кўмакчи феълдан ташкил топган бирикувларнинг барча турида ҳам бўлишсизлик аффикси кўмакчи феълга қўшила олади. Сабаби шуки, бутун бирикувга хос маъно тасдиқ ёки инкор ҳолатида бўлиш мумкин: ёзиб олмади, ўқиб чиқмади, кела олмади, айтиб қўймади.

Эмас тўлиқсиз феъли.

Бўлишсизлик кўрсаткичи -ма аффикси фақат ҳаракатнинг инкорини билдиради, эмас ёрдамчиси эса нарсаси - предмет, белги ва ҳаракатнинг инкорини ифодалаш учун ҳам қўлланаверади: Одам боласи электр сими эмаски, бирини мусбат, бирини манфий десанг. Инсоният орол эмас, қитъа бўлиб яшаш керак (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар 20-бет).

Демак, бу жиҳатдан -ма аффиксига нисбатан эмас ёрдамчисининг қўлланиш доираси кенг, лекин иккинчи томондан, -ма аффиксининг қўлланиш доирасига нисбатан эмас ёрдамчининг қўлланиш доираси анча чегараланган. Юқорида кўрдикки, -ма аффикси феълнинг тусланишли ва тушланишсиз формалари доирасида инкорни ифодалаш учун кенг қўлланаверади. Эмас ёрдамчисининг қўлланиши эса тусланишли феъллар доирасида ҳам, тушланишсиз феъллар ҳам анча чегараланган. Масалан: ишламаётган одам келди, кулмай гапирди гапларида инкор ифодаловчи -ма аффиксини эмас ёрдамчиси билан алмаштириб бўлмайди. Эмас ёрдамчиси икки ҳаракат - ҳодисани бир - бирига қиёсан олиб, биринчисининг инкори ифодаланадиган ҳоллардагина феълнинг тусланишсиз формалари билдирган ҳаракатнинг инкорини ифодалаш учун қўллана олади: Кулиб эмас, жиддий гапирди. Қараши эмас, Кулиши чиройли.

Харакат - ҳодиса қиёсан олиниб, биринчисининг инкорини ифодалаш учун эмас ёрдамчиси қўлланганда, фақат у ёки бу феъл билдирган ҳаракатнинг инкори эмас, балки биринчи гапдаги ифодаланган фикрнинг инкори ифодаланади. Масалан: югуриб эмас, секин келди деганда, югуриб келди гапига хос мазмун инкор этилади. Бундай ҳолларда гапнинг бирор бўлаги тушуриб қолдирилади., эмас ёрдамчиси фикрни ихчам тарзда ва алоҳида таъкид билан ифодалаш учун ёрдам беради: Мен чархпалакни эмас, устозларимни кумсар эканман (Ў.Ҳошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар 37-бет). Инкор ифодаловчи эмас ёрдамчиси тусланишли феъллардан фақат -ган ёрдамида ясалувчи ўтган замон феълининг ва -моқчи аффикси ёрдамида ясалувчи мақсад феълининг бўлишсиз формасини яшаш учун хизмат қилади: Мен бу ерга келган эмасман. Кечиринг ойи, мен бундай демоқчи эмас эдим (сўзлашувдан).

Йўқ ёрдамчиси. Инкор билдирувчи ёрдамчи сўз сифатида йўқ сўзининг кулланиш доираси -ма аффикс ива эмас ёрдамчисининг шу маънода қўлланиш доирасига нисбатан анча чегараланган. Бу сўз фақат -ган ва ёт+ган аффикслари ёрдамида ясалувчи ўтган ва ҳозирги замон феълларининг инкор формасини ҳосил қилувчи сифатида қўлланади: ёзгани йўқ, ёзаётгани йўқ каби ўтган ва ҳозирги замон феълларининг йўқ сўзи ёрдамида ясалувчи инкор формасида шахс - сон кўрсаткичлари феълнинг ўзига (йўқ сўзидан олдин) қўшилади: ёзганим йўқ, ёзганинг йўқ, ёзгани йўқ каби. Агар кесим учинчи шахсда бўлса, баъзан шахс кўрсаткичининг қўлланмаслик ҳоллари учраб туради: келган йўқ каби. Лекин бу нормал ҳолат ҳисобланмайди. Кўриниб турибдики, бундаги шахс - сон кўрсаткичлари эгалик аффикслари билан бир хил кўринишга эга. Ҳақиқатдан ҳам бундаги шахс - сон кўрсаткичлари аслида эгалик кўрсаткичлари бўлган ва -ган аффиксли сифатдош шакли от формасида келган, йўқ сўзи эса шу от вазифасида келган сифатдош билдирган нарсанинг инкорини (йўқлигини) билдирган. Бунини

кўйидаги мисоллар аниқ кўрсатади: Қумурскага ажал келса, канот пайдо қилади, деган гапни эшитганинг бордир?

Юқорида кўрдикки, эмас ёрдамчиси -ган аффикси ёрдамида ясалувчи ўтган замон феълининг инкор формасини ясайди ва ўтган замон феълининг шу тури доирасидагина -ма аффикси билан вазифадош бўла олади: Келмаган - келган эмас. Аммо келган эмас формаси келмади билан вазифадош эмас (унинг ўрнида қўллана олмайди). Йўқ ёрдамчиси билан ясалувчи бўлишсиз формага эга бошқачароқ хусусиятга эга. Йўқ ёрдамчи сўзи фақат -ган аффикси ёрдамида ясалувчи эмас, шунингдек -ди аффикси билан ясалувчи ўтган замон феъли доирасида ҳам -ма аффикси билан вазифадошдир: синмади - сингани йўқ - келмаган - келгани йўқ - келган эмас:

Тинчиганим йўқ Алимов! - деди йиғлагудек илжайиб. -Токи виждоним тирик экан, тинчимаيمان! (Ў.Ҳошимов. Икки кара икки беш 244-бет).

Мисоллардаги тинчиганим йўқ, тинчимаيمان формалари тинчидим формаларининг акси (инкор формаси) ҳисобланади.

Шунингдек инкор гапни қўллашда ҳеч бўлишсизлик олмоши ва на инкор юкламаси қўлланади: Қувончли дамларда эса, хоҳласам ҳам на онамни, на отамни тушимда кўраман (Ў.Ҳошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар 26-бет). Жаннатдан ҳеч ким қайтиб чиқмайди, коммунизмга ҳеч ким етиб бормайди (Ў.Ҳошимов. Дафтар хошиясидаги битиклар 44-бет).

А.Ҳожиёв тўғри таъкидлаганидек, гапда на инкор формаси қўлласа ҳар доим ҳам кесим -ма инкор қўшимчасини ҳар доим ҳам олмайди.⁴⁰

Ўзбек тилида инкор ифодаловчи гаплар таркибида -ма аффикси, эмас, йўқ, на инкор юкламаси, ҳеч бўлишсизлик олмоши инкор ифодалаш учун хизмат қилади. Инкор гапнинг прессуппозицияси орқали ифодаланади. Ундан ташқари маъно ифодалашда сўроқ билдирувчи сўз ёки юклама ва интонациянинг роли бор.

1.2. Ўткир Ҳошимов асарларида инкор мазмунининг айрим қирралари

Гапнинг мазмуний тузилишида прессуппозиция ҳодисаси муҳим ўрин тутади. Тилшуносликда прессуппозиция термини остида муайян жумла таркибида бевосита ифодаланган, яширин тарзда акс этган мазмун, сўзловчи ва тингловчига олдиндан маълум бўлган умумий билимлар, уларнинг яширин ифодаси тушунилади.⁴⁴ Кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида бу ҳодисани ўзгаришига эътибор янада кучайди.⁴⁵ Натижада тил бирликларининг шу кунга қадар маълум бўлмаган яширин жиҳатлари аниқлана бошлади.

Прессуппозиция ҳодисасининг ўрганилиши натижасида гапда тасдиқ ва инкор маъноларининг ҳам яширин тарзда ифодаланиши ҳоллари маълум бўлди. С.Қ.да прессуппозиция орқали ифодаланган ҳар қандай пропозиция тасдиқ ёки инкор характерида бўлади. Яширин пропозиция тасдиқни англатса тасдиқ маъносининг, инкорини англатса, инкор маъносининг яширин тарзда ифодаланишини кўрсатади. Гаплардаги очиқ пропозиция (у тасдиқ ёки инкор характерида бўлади) предикатив марказ орқали, яширин инкор ёки тасдиқ характеридаги пропозиция орқали англашилади. Бу ўринда яширин тасдиқ ёки инкорнинг айнан қандай характердаги синтактик структурада ифодаланиш масаласи муҳим ўрин тутади. Тасдиқ маъноси инкор гапларда, прессуппозиция орқали яширин ифодалаганда бир томнлама семантик - синтактик ассиметрик кўзга ташланади, яъни шакл ва мазмун номунофиқ бўлмайди.

Д.Лутфиллаеванинг фикрича, «Тасдиқ ва инкор маънолари прессуппозиция орқали яширин ифодаланган ҳар қандай гапларда прессуппозицияга ишора қилувчи воситалар қатнашади. Бундай воситалар тасдиқ - инкор гапларнинг мазмуний тузилишда муҳим ўрин тутади».⁴⁶

А.Ҳожиёвнинг фикрича эса, бу ҳолат қўш инкор деб аталади. Қўш инкорнинг икки марта ифодаланиши қуйидагича кузатилади. Ишонмаслик мумкин эмас каби. Ўзбек тилида аналитик феъл шаклида бўлишсизлик кўрсаткичи (-ма) етакчи ва кўмакчи феълга қўшилиши мумкин. Бунини «инкорни инкор» деб аталади. Инкорнинг инкори эса қатъий тасдиқ маъносини келтириб чиқаради: айтмай қўймайди - албатта айтади каби.⁴⁷ Қўш инкорнинг ифодаланиши А.Ғуломовнинг «Синтаксис» дарслигида ҳам кўрсатиб ўтилган.

Иккита бўлишсиз шаклдаги феълнинг кесим вазифасини бажариш ёки бўлишсиз элементнинг гапда иштирок этиши натижасида ўзбек тилида бўлишсизлик маъноси англашилади. Бу ҳолат турк тилида ҳам кузатилади.⁴⁸

а) -ма аффиксининг қўш қўлланиши билан инкор белгиси етакчи ва кўмакчи феълга қўшилганда тасдиқ ифодаланади. Бунда тасдиқ маъноси алоҳида таъкидланади, қатъий тусда бўлади: билмай қолмайди - албатта билади. Бўлишсизлик кўрсаткичи ҳар икки компонентга қўшилганда етакчи феълдаги инкор маъноси кўмакчи феълдаги -ма форманти орқали инкор этилади ва натижада тасдиқ маъноси келиб чиқади. Тасдиқнинг бу йўл билан ифодаланиши айрим феъллар билан ҳосил бўлувчи бирикувлардагина учрайди. Бунинг сабаби ҳам ҳаракат билан кўмакчи феъл ифодаляйдиган маънонинг ўзаро муносабатидан келиб чиқади: Ўзбекистонда қўшиб ёзганлар бўлмаган, демайман (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 167-бет).

б) «йўқ + эмас» қолипидаги кесим билан: Бироқ баҳоли ўрни йўқ эмас санъаткорлар орасида пулдан кўра иймонини, бойликдан кўра виждонини устун қўядиганлар йўқ эмас (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 356-бет).

в) бундан ташқари «оз + эмас» маъносида қўлланиб, ознинг антонимии кенг маъносини ҳосил қилади: Фарзандларидан нолийдиганлар оз эмас (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар 31-бет).

г) «-май + йўқ» қолипидаги кесим билан: Ўша ўқитувчи эртасига мактабни ташласа-ю, «Ипподром»га чиқиб сигарет сотса, хайратланмай иложим йўқ.

д) «-маган + йўқ» қолипидаги кесим билан ҳам ифодаланади: Ҳа, айтганча, Қурбоной деган Хотин бор. Фаррош... кирмаган эшиги йўқ. Бу ерда ҳам қўш инкор орқали тасдиқ маъносини англашмоқда.

е) шунингдек бўлишсиз шаклдаги -сиз аффикси билан ясалган, муайян белгининг мавжуд эмаслигини билдирувчи гапнинг кесим вазивасини бажарганида бўлишсизлик маъносини англашилади: Жиноят жазосиз қолмайди. Иш бўлгандан кейин нуқсонсиз бўлмас экан (сўзлашувдан).

ж) шаклан бўлишсизлик элементи қатнашган инкор гаплар муайян оҳанг воситасида тасдиқ гапга айлантирилади: Тушнмас эмиш, ҳамма балони тушунади (сўзлашувдан).

Демак, инкор гаплар таркибида қўлланилиб тасдиқ прессуппозицияга ишора қилувчи воситалар иштирок этган гапларда предикатнинг қандай бўлиши ҳукмлар характерини белгилайди. Агар предикат инкор шаклида бўлса, яширин пропозия тасдиқни англатади. Бундай турдаги гапларда гапнинг шаклий ва мазмуний бирлиги тасдиқ - инкор белгилари жиҳ?атидан ҳам бузилади. Режамизнинг асл мақсади гапнинг инкор шакли орқали тасдиқ маъносининг ифодаланишини тадқиқ этиш бўлганлиги сабабли фақ?ат инкор гаплар таркибида қўлланилиб, тасдиқ прессуппозицияга ишора қилувчи айрим воситаларни, улар ишора қилган прессуппозицияларни таҳлил этишга, прессуппозиция орқали инкор гапларда тасдиқ маъносининг ифодаланишини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Ҳеч бўлишсизлик олмоши ва кесимда инкор кўшимчасини қўшаётган ҳоллардагина, инкор тасдиққа айланмайди. Гап мазмуни инкорни ифодалаб келаверади. Масалан: Ҳеч ким йўқ. Коммунизмга ҳеч ким етиб бормайди (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар, 44-бет).

II боб. Инкор гапларнинг грамматик хусусиятлари

2.1. Ўткир Ҳошимов асарларида инкор гапларнинг тузилиши

Ўзбек тили инкор гапда махсус инкор кўрсаткичлари қатнашиши билан характерланади. Аммо инкор формасидаги ҳар бир гапда доим бўлишсизлик ифодаланиши шарт эмас. Шунингдек тасдиқ формасидаги гап баъзан инкор мазмунида қўлланган бўлиши мумкин.⁴⁹ Инкор маъносини ифодаловчи гапларнинг ўзига хос белгилари қуйидагилардан иборат:

1) кесим тусланишли феъл билан ифодаланган инкор гаплар асосан -ма аффикси воситасида ҳосил қилинади. Масалан: Мен бўлсам сахна кўз узмайман (Ў.Ҳошимов. Икки карра икки беш. 254-бет). Йўқ, бунақаси кетмайди (Ў.Ҳошимов. Икки карра икки беш. 267-бет).

Тусланишли феъллардан фақат ҳозирги келаси замон феъли ва бу феъл шакли билан тўлиқсиз феълларнинг бирикишидан юзага келадиган сўз шаклининг бўлишсиз шакли (уларнинг тўлиқ ва қисқа кўриниши) -мас (-масди, -мас эди, -маслиги, -мас экан) аффикслари ёрдамида ясалади: Раис бува отамга «тўйингга катталар келади» дегани бежиз эмас экан (Ў.Ҳошимов. Икки карра икки беш. 258-бет). Аввалги бир - бирларини танимас эдилар (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар 29-бет). Ажаб, севги ҳеч қачон ёлғиз юрмас экан (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар 29-бет).

2) кесим феълдан бошқа сўзлардан бўлганда, ўзбек тилидаги эмас сўзи орқали инкор гапни ҳосил қилинади: Ҳозир бировдан гина қиладиган пайт эмас (сўзлашувдан). Сув - сув эмас, мен эканман! (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар). Қадимги мусаввирлар фариштани гўдак киёфасида тасвирлагани бежиз эмас (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар 43-бет).

3) ўзбек тилида тусланган феъл билан ифодаланган кесим эмас тўлиқсиз феъли билан қўлланилиши ва бўлишсизлик маъносини ифодалаши мумкин: Сен айтган одамни умримда кўрган эмасман (сўзлашувдан).

4) ўзбек тилида кесим вазифасида -ган формасидаги сифатдош келса, бўлишсизлик мазмуни йўқ сўзи билан ифодаланади.⁵⁰ Шаҳноза яна ... шуни сездик ... Рустам акаси рақс тушаётгани йўқ... нола чекапти (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар 20-бет). Мен ҳеч нарса деганим йўқ, коллега (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар 24-бет).

Ўзбек тилида *йўқ* сўзи қуйидаги хусусиятларга эга; а) бу сўзнинг ўзи айрим бир гапни ҳосил қилади: -Уйингизга бирон шубҳали одам келмадими? -Йўқ. -Марҳум Шаматов кўп ичармиди? -Йўқ (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 18-бет).

б) бу сўзнинг ўзи кесим бўлиб келади: Миллати -йўқ (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 26-бет). Биламан, сизда гуноҳ йўқ (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 30-бет).

в) таркибли кесим таркибида келади: Мендан алимент ҳаққи йўқ (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 34-бет). Рустам акам у ёққа борганларини дoston қилганларидан хабарим йўқ (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 12-бет). Рост, тўйга чиққилари ҳам йўқ (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 19-бет).

г) у олдинги сўроқ гапнинг жавоби сифатида инкорни билдиради, лекин шундан кейин шу инкорни қувватлайдиган, кучайтирадиган кесим (одатда инкор формасидаги кесим) келтирилади.

- Балким, кетсам бўлар?! -Йўқ, опа! Сиз кетмайсиз.

- Йўқ, ғайрат қилмаса бўлмайди (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 15-бет).

Йўқ, унақага ўхшамайди (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 10-бет).

Йўқ сўзининг якка ўзи кесим вазифасида келиб, эгадан англашилган ҳолатнинг мавжуд эмаслигини билдиради: Аммо бошқа чораси йўқ эди (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 34-бет). Эсимда йўқ (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 36-бет).

Йўқ сўзи *бор* сўзининг антонимли сифатида нарса - предметнинг мавжуд эмаслигини, *ҳа* сўзининг антонимии сифатида род - инкор маъносини ифодалаш учун хизмат қилади. Сўзловчининг буйруқ тарзидаги саволига нисбатан бериладиган *йўқ* жавоби яна инкор гап билан қўша қўлланиб, суҳбатдошнинг фикри қатъий рад этилади. Бунда икки ҳолат кўзга ташланади: Биринчиси:

- Борасан!

- Йўқ, бормайман! - *Йўқ* сўзи бориш ҳаракатининг инкори, кейинги гап шу инкорнинг тасдиғи. Натижа: Кучли инкор.

Иккинчиси:

- Бормайсанми?

- Ҳа бормайман! - *Ҳа* сўзи бормасликнинг тасдиғи, яъни инкор (бормайман) эса, ана шу инкорнинг тасдиғи. Натижа: кучли инкор. Бундай қўлланишда баъзан инкорнинг бошқа формалари ҳам ишлатилади. Масалан: -Йўқ, қўйиб бўпман (қўймайман), кетиб бўпсам (кетмайсан) каби.

Йўқ сўзи *бор* сўзининг антоними сифатида -дан бошқа, -дан ортиқ, -дан яхши, -дан кучли каби чоғиштирувчи воситалар иштирок этган гапнинг кесими сифатида қўлланганда, бирор воқеа - ходиса, нарса, тасдиқ, белгининг энг юқори даражаси алоҳида таъкидланади. Масалан: Гўё дунёда

ундан гўзалроқ, ундан бахтлироқ зот йўқ эди (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси. 256-бет). Раънонинг назарида бундан ортиқ азоб, бундан ортиқ қийноқ йўқ (Ў.Ҳошимов. Икки эшик ораси. 291-бет).

5) уюшиқ бўлақларнинг инкорида баъзан на инкор ифодаловчи восита қўлланади. Бу ёрдамчи ҳар бир уюшиқ бўлақнинг олдидан такрорланиб келади, якка ҳолда қўлланмайди:⁵¹ На қўлингиз билан тутасиз, на ортидан югуриб етамиз (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. 42-бет). Қувончли дамларда эса, ҳоҳласам ҳам на онамни, на отамни тушумда кўраламан (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. 26-бет).

На сўзи инкор ифодаловчи бошқа воситалардан кескин фарқ қилади. Унинг асосий фарқи шундаки, бошқа инкор формалари қўша қўлланганда тасдиқ маъноси келиб чиқади (бора қолмайман, йўқ эмас каби). Лекин на сўзи бир гап таркибида бир неча марта қўлланилишидан қатъий назар, инкор маъноси сақланади. Хатто *на* сўзи иштирок этган гапнинг кесимли инкор формада ҳам, тасдиқ формада ҳам қўлланаверади: на ўқимайди, -на ишламайди, -на ўқийди, на ишлайди мисолларнинг кейингисида инкор маъноси алоҳида таъкидланган бўлади.

На боғловчи юқламаси нутқда жуда кенг кўламда қўлланади: гапнинг эгаси ҳам кесими ҳам, // даражали бўлақлари ҳам шу боғловчи ёрдамида алоқага киришади ва уюшиқ бўлақларни юзага келтиради.

На боғловчиси ёрдамида тузилган уюшиқ келган бўлақларда ҳеч ким, ҳеч нарса каби умулаштирувчи сўз иштирок этган бўлса гапнинг кесими, албатта инкор формада бўлади. Чунки кўрсатилган умулаштирувчи сўзлар кесимнинг тасдиқ формасида келишга йўл қўймайди. Масалан: Жуда тўғри. Эзгу умр йўлидаги изларни на қор, на бўрон, на шамол хуллас, ҳеч нарса кўмолмайди.

На боғловчиси ёрдамида тузилган гапларда ҳамма вақт инкор маъноси таъкидланади. Ундай гапларнинг нейтрал варианты эса инкор ифодаловчи бошқа формалар ёрдамида берилади. Бундан ташқари на инкор билдирувчи восита яқка ҳолда ҳам қўлланиши мумкин: на иложки, бу билан жанжал тўхтамади (Ў.Ҳошимов. Баҳор соғинчи. 264-бет).

6) Ўзбек тилида но-, -сиз, бе- аффикслари, префикслари ёрдамида келган сифат билан ифодаланган кесимлар инкор гапни юзага келтиради: Раис бува отамга «тўйингизга катталар келади» дегани бежиз эмас экан (Ў.Ҳошимов. Икки карра икки беш. 254-бет). Рустам билан Шаҳноза ўша куни рўпарасидаги уйда тўй бўлаётганидан хабарсиз эдилар (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 19-бет).

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб қуйидаги хулосага келдик: Ўзбек тилида учта сифат ясовчи аффикс у ёки бу белгининг мавжуд эмаслигини билдиради ва бундай сифатлар кесим вазифасини бажарганида инкор гап вужудга келади.

7) Инкор гапнинг ясалишида *ҳеч* бўлишсизлик олмоши ҳам иштирок этади.

Шаҳноза бораркан, ҳеч кимни кўрмас, ҳеч нимани эшитмас эди (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 12-бет). У ҳеч нимани ўйлагиси келмайди (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 13-бет). Ҳеч кимнинг ишлатгиси келмайди (Ў.Ҳошимов. Тушда кечган умрлар. 36-бет).

8) Ўхшатиш маъносини ифодаловчи воситалар (гўё, -дай, -дек каби) ҳам баъзан инкор маъносини англатиши мумкин: Мақтайверади, гўё ҳамма нарса тайёр, ҳамма ишлари жойида - Киноя билан инкор (сўзлашув). Худди мен биладигандай, мендан сўрайди (сўзлашув).

Инкорнинг просодик воситалар ва махсус нутқ формалари ёрдамида ифодаланиши асосида ҳам экспрессивликка эришиш мумкин.

Режанинг якунида шуни хулоса қилиб айтиш керакки, инкор гапларнинг ўзига хос белгилари бор бўлиб, булар -ма, -мас, но-, -сиз, бе- аффикслари, *эмас, йўқ, на, ҳеч* ёрдамчи сўзларидир. Юқоридаги инкор ифодаловчи воситалар иштирок этган гапларда шакл ва мазмун мувофиқ келсагина уни инкор гап деб аташ мумкин. Бу эга гап пресуппозициясидан англашилади.

1.2. Ўткир Ҳошимов асарларида риторик сўроқ гапларда инкор мазмунининг ифодаланиши

Сўроқ гапларнинг мазмуний таснифи, риторик сўроқ гапларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган, лекин ҳозирга қадар сўроқ гапларнинг шаклий - мазмуний тузилиши ўзбек тилшунослигида монографик йўналишда текшириш объекти бўлган эмас.

Шунга мувофиқ режада ўзбек тилидаги сўроқ гапларнинг мазмуний тузилишини уларнинг яширин дарак, буйруқ объектив мазмунини ифодаси сабабларини аниқлаш мақсад қилиб қбаён этилганлардан келиб чиқиб, сўроқ гапларда шакл ва мазмун муносабати масаласини ёритиб беришдан олдин Айни гап турининг моҳияти, унинг грамматик категорияларида тутган ўрни ҳақида мулоҳаза юритсак.

Гапнинг коммуникатив категориясида сўроқ гаплар ўзига хос ўрин тутди. Бундай гаплар сўзловчининг нарсаси - предмет, воқелик ҳақидаги сўроғини англатади. Сўзловчи гапнинг бу тури воситасида бевосита тингловчига мурожаат қилади, унинг нутқий алоқага жалб этади. Сўроқ гаплар айтиш жихатлари билан дарак, буйруқ ва истак гаплардан фарқланади. Сўроқ гапларда бирор номаълум нарсага ишора қилинади. Номаълум нарса эса сўроқни ифодаловчи махсус воситалар (сўроқ олмошлари, сўроқ юкламалари ва оҳанг) ёрдамида таъкидланади.

Нутқ жараёнида гаплар дарак, сўроқ, буйруқ ва истак гаплар вариантларида қўлланилиши мумкин. Масалан: дарак гаплар бир ўрнида хабар бошқа ўринда эса ишонч ёки ташвиқ маъноси иштирокида шакллантиради.

Сўроқ гаплар ҳам сўзловчининг коммуникатив мақсади асосида буйруқ, таажжуб, дарак, киноя ва ҳоказо маънолар иштирокида тузилади. Буйруқ ва истак гапларда ҳам айти шундай жараён содир бўлади.

Сўроқ гапларни уч турга ажратиб ўрганилган:

- 1) Соф сўроқ гаплар (жавоб талаб қилмайдиган сўроқ гаплар);
- 2) риторик сўроқ гаплар;
- 3) сўроқ буйруқ гаплар.⁵²

Шулардан риторик сўроқ гаплар икки гуруҳга ажратилади: 1. сўроқ сўзлари ва мувофиқ келувчи оҳанг ёрдамида тузилган риторик сўроқ? гаплар. Шунингдек, сўроқ. Буйруқ гапларда кўпинча илтимос буйруқ маълумотларини юмшоқроқ ифодалаш мақсад қилиб олинади: сен қачон байрам қиласан, болажон? (Ў.Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар), (Сен ҳам байрам қилгин - маъносида).

Сўроқ гапларда соф сўроқ, хабар, таажжуб, ташвиш, ғамхўрлик, ғазаб, гумон, кучли ҳаяжон, турли эмоционал оттенкалар - киноя, зорланиш, таъкид, норозилик, ачиниш, танбеҳ, севинч, кесатиш каби маънолар ифодаланади. Бу маънолар сўроқ гапда ифодаланган марказий маънога қўшилган қўшимча маънолар ҳисобланади. Масалан: Наҳотки ёш бола ёлғон гапиради? гапида “Ёш бола ҳеч қачон ёлғон гапирмайди” қатъий ҳукм - хабар маъноси ифодаланади. Бу мазмун, яъни хабар гапнинг ички тузилишидан яширин тарзда англатилади. Сўроқ гапнинг шаклий тузилишига мувофиқ тарзда ифодаланган мазмун сўроқ мазмуни

хисобланади. Чунки у гапда очик тарзда ифодаланган ва ўзининг моддий ифодасига эгадир. Сўроқ гапда ифодаланган хабар маъносини яширин, шунинг учун ўзининг моддий ифодасига эга эмас. *Наҳотки* сўзи сўроқ юкламаси, у кўпинча ҳайратланишни билдиради. Бола беғубор инсон, унинг кўнглида бировга нисбатан ёмонлик бўлмайди. Шунинг учун ҳам гапнинг мазмунида англашиладики, ёш бола ҳеч қачон ёлғон гапирмайди.

Бу ўринда риторик сўроқ гапларда сўзловчи субъектив муносабати (таажжуб, ғазаб, гумон, ҳаяжон кабилар)нинг ифодаланиши унинг хабари, буйруғи каби маъноларнинг реаллашиши билан қориштириб юбормаслик лозим бўлади.

Сўзловчининг субъектив муносабатини ифодаловчи сўроқ гапларда бундай муносабат қўшимча ахборот (пропозиция)ни юзага келтирмайди. Шу тарздаги муносабатнинг ифодаланиш масаласини субъектив муносабатларидан ташқари хабари, буйруғи каби маъноларни ифодаловчи сўроқ гапларда қўшимча ахборот шаклланади. Бу ахборот эса сўзловчининг коммуникатив нияти асосида юзага келади.

- Доллар? Менда доллар нима қилсин? Умуман, сенга долларнинг нима кераги бор? (Ў, Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. 134-бет).

Биринчи гапда сўроқ гапни оҳанг, иккинчи гапда нима сўроқ олмоши шакллантирилаяпти. Нима қилсин? сўз бирикмаси орқали йўқ деган инкор маъно англашилаяпти. Нима кераги бор? сўз бирикмаси орқали эса керак эмас инкорлик маъноси билдирилиб келинмоқда.

Демак, сўроқ гапларда сўзловчи муносабатининг ифодаланиши модаллик доирасида сўзловчининг хабари ёки буйруғининг ифодаланиши эса коммуникативлик доирасида ўрганилиши лозимлиги аён бўлиб турибди.

Қуйидаги гапларни қиёслаймиз: 1. Ажабо, бу нима экан? (Саодат). 2. Бу совғаларни қайтариб олиш учун берганмидинг? (сўзлашувдан).

Ҳар икки гапда сўроқ билан бирга сўзловчининг таажжуби - субъектив муносабати ифодаланган. Бироқ иккинчи гапда сўзловчининг муносабатидан ташқари, қўшимча ахборот ҳам ифодаланган. Чунки гап мазмунидан яширин тарзда «Бу совғаларни қайтариб оляпсан» ҳукми англашилиб турибди.

Демак, сўзловчининг маёрдамида сўроқни ҳамда воқелик ҳақидаги хабарни ифодалашдан иборат.

Дарак ёки буйруқни ифодаловчи риторик сўроқ гапларда эмоционаллик кучли тарзда ифодаланади. Қуйидаги гапларни қиёслаймиз:

1. Нима қиласиз подадан олдин чанг кўтариб?! Милиса гуноҳи бўйнида эканки, типирчилаб қопти, демайдими! Нима Шаҳноза эрини бўғиб ўлдирибдими?

Биринчи гапда «Подадан олдин чанг кутрманг!» қатъий буйруқ оҳанги, иккинчи гапда дарак мазмунини «Милиса гуноҳи бўйнида экан, типирчилаб қолди», учинчи гапда эса инкор мазмунини ифодаловчи дарак гап ифодалаган -ми сўроқ юкламаси, йўқ модал сўзининг ўрнида қўлланилади.

Ким олмоши «Кўчани ким супуради?» (Ў,Ҳошимов. Тушда кечган умрлар) типигаги гапларда дарак прессуппозициялари мавжуд. Чунки «Бу прессуппозиция айна сўроқ гапдаги формал - семантик номуносибликнинг сабаби ана шунда».⁵³

«Кўчани ким супуради?» сўроқ гапнинг мазмуний тузилиши мураккаб бўлиб, унда ҳам бир нечта дарак, буйруқ прессуппозициялари англашилади. Ундан «Кўчани супур», «Кўчани супурмайман», «Кўчани супуришга ҳеч ким йўқ» сингари қатор прессуппозициялар англашилади, яъни уларнинг қайси бири ҳақида фикр юритилганлиги нутқда маълум бўлади. Масалан: «Апарайса қилармиш! Айтишга осон. Аслида-ку ҳар кимнинг жони худонинг омонати. Эртами - кечми олади омонатини. Бир йилгача яримжон бўлиб юрадими? Кўчани ким супуради?» (Ў,Ҳошимов. Тушда кечган умрлар).

Матндаги «Кўчани ким супуради?» гапининг ички тузилишидан «Кўчани супуролмайман» дарак - инкор ахбороти яширин ифодаланган бу эса сўроқ мураккаблик белгиларига кўра номунофиқликни юзага келтирган. Кузатишлардан бундай семантик тузилишли гаплар -ми ва қандай воситали сўроқ? гаплар билан бир парадигмани ҳосил этаётганлиги маълум бўлади.

Кўчани ким супуради? Кўчани супуроламанми? Кўчани қандай қилиб супураман?

Демак, шакл ва мазмун жиҳатидан номунофиқлик бўлган сўроқ гапининг ички тузилишидан дарак ҳамда буйруқ характеридаги яширин ахборотлар ифодаланади.

Умумий хулосалар

Тилда бирдан ортиқ мазмунни содда шаклда баён этиш имконияти мавжуд. Мураккаб мазмунни содда шаклида баён этишда прессуппозиция ҳодисаси муҳим ўрин тутди. Прессуппозиция ҳисобига тасдиқ ва инкорни англатувчи позициялар бир содда шакл - тасдиқ ёки инкор шакл орқали ифода этилади. Натижада тасдиқ гапда тасдиқ билан бирга инкор маъноси ҳам ифодаланади ва аксинча, шаклан инкор гапда тасдиқни англатувчи пропозиция ҳам мавжуд бўлади.

БМИни ёзиш жараёнида Ўткир Ҳошимов асарларини манба қилиб олдик ва қуйидаги хулосаларга келинди:

- тасдиқ гаплар инкорни англатувчи прессуппозицияга эга бўлган ҳолатларда яширин инкорни ифодалайди. Гапнинг модалликка кўра турларини аниқлашда ана шуларга эътибор бердик;

- тасдиқ гапда прессуппозиция орқали ифодаланган яширин инкор пропозиция айни гапни мазмуний мураккаблаштиради. Яширин ифодаланган пропозиция тасдиқ гапнинг таркибий қисми сифатида юзага чиқади;

- прессуппозиция орқали инкорни ифодаловчи тасдиқ гапларнинг ва тасдиқни ифодаловчи инкор гапларнинг шакли ва мазмуни содда - мураккаблик ҳамда тасдиқ - инкор белгилари жиҳатидан ўзаро номунофиқ бўлади;

- ўзбек тилида нафақат тасдиқ гаплар, балки баъзи инкор гаплар ҳам тасдиқ маъносини ифодалашда қўлланади. Бунда прессуппозиция ҳодисаси ёрдамга келади.

Англашиладики, ўзбек тилидаги тасдиқ ва инкор гапларда махсус инкор ифодаловчи воситаларсиз ёки махсус тасдиқ ифодаловчи воситаларсиз ҳам инкор маъносини ифодалаш мумкин. Бироқ тасдиқ орқали ифодаланган инкор яширин инкор ҳисобланади. Аксинча, қўш инкор орқали эса тасдиқ ифодалаш мумкин. Яширин инкор гапнинг шаклий тузилишига мувофиқ бўлмаган ҳолатда ифодаланади. Бу эса бундай тасдиқ гапларнинг шакли ва мазмуни тасдиқ - инкор белгилари жиҳатидан доимо номунофиқ бўлишини кўрсатади. Албатта, гапнинг модалликка кўра турларида тасдиқ - инкор турининг шакл ва мазмун жиҳатидан номунофиқлиги уларнинг нотўғри ёки чалкаш тушунилишига олиб келмайди. Маъноларнинг яширин тарзда ифодаланиши ва сўзловчиларнинг тил кўникмаси бундай гапларнинг тўғри тушунилишига имконият яратади. I ва II бобларда биз ана шуларга катта аҳамият бердик.

Тасдиқ ва инкор гапларнинг тадқиқи, ўрганиш жараёни натижалари асосида шуни таъкидлаш мумкинми, ҳар қандай тил бирлигининг кўзга кўринмас, яширин ифодаланган маъно компонентлари семантик тадқиқ асосидагина аниқланади. Бу эса мазкур йўналишда ҳали кўп ишлар олиб боришимиз кераклигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурахмонов Ғ. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. Олий ўқув юртлари учун. - Тошкент. «Ўқитувчи», 1986.
2. Абдуллаев А. Риторик сўроқ гаплар эмоционал--экспрессив фикр ифодалаш воситаси сифатида// Ўзбек тили ва адабиёти, 1974, №-4, 48-49 бетлар.
3. Ахмедов А. Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив турлари. - Тошкент: «Фан», 1979.
4. Бердиалиев А. Нутқнинг баъзи лисоний ва коммуникатив психологик асослари // Нутқ маданияти масалалари. - Тошкент, 1993.
5. Ломтев Т.П. Русская грамматика. Том II. Синтаксис. -Москва, 1980.
6. Лутфуллаева Д. Тасдиқ гапларда инкор ва шаклий-мазмуний номувофиқлик: Фил. Фанлари номзод. дис.автореферати; -Тошкент, 1987.
7. Маҳмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик ассиметрия. - Тошкент, Ўқитувчи, 1984.
8. Маҳмудов Н. Пресуппозиция ва гап // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986, №-6, 28-31 бетлар.
9. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
10. Мамажонов А. Киноя-субъектив муносабат ифодалаш усулларида бири// «Ўзбек тили ва адабиёти» журналы, 2000 йил, 4-сон, 14-15 бетлар.
11. Мўминов С. Сукут ва коммуникатив мазмун // Ўзбек тили ва адабиёти., 1998, № -1. 69-70-бетлар.
12. Нурмонов А. Тасдиқ ва инкорнинг паралингвистик воситалар ёрдамида ифодаланиши // Ўзбек тили ва адабиёти 1979, №-2, 31-34-бетлар.

13. Нурмонов А. Ўзбек тилида тугул маркерли инкор конструкциялар. // Ўзбек тили ва адабиёти 1980, №-1, 57-62-бетлар.
14. Нурмонов А. Проблемы системного исследование синтаксиса узбекского языка. - Тошкент, 1982.
15. Нурмонов А., Махмудов Н ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.-Тошкент, 1992.
16. Нурмонов А. Кўмакчили конструкциялар пресуппозицияси // Ўзбек тили ва адабиёти, 1986., №-6, 42-43-бетлар.
17. Нурмонова А.Н. Тасдиқ билдирувчи дарак гаплар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1964, №-2, 52-57-бетлар.
18. Пинхасов Я. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида модал сўзлар // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари №-1, -Тошкент, 1961 46-47 бетлар.
19. Саидов С. Модал сўзларни ўрганиш тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти, 1963 №-4, 56-58 бетлар.
20. Саидов С. Модал сўзларнинг классификацияси масаласига доир// Ўзбек тили ва адабиёти, 1963 №-6, 54-56 бетлар.
21. Саидов С. Модал сўзларнинг гапда қўлланилиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1964 №-4, 66-69 бетлар.
22. Раҳимов У. Ўзбек тилида юкламалар пресуппозицияси. Филология фанлари номзодлик диссертация автореферати. – Самарқанд, 1994.
23. Раҳматуллаев Ш. Модал сўзлар. Ҳозирги замон ўзбек тили. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1957.
24. Худойберганава З. Ўзбек ва турк тилларида содда гапнинг структур функционал хусусиятлари. II китоб.- Тошкент: Фан, 2004.
25. Шоҳназарова М. Сифатдош кесимларда инкорнинг ифодаланишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970. №-4 74-79- бетлар.
26. Шомақсудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси.- Тошкент, 1983.
27. Эгамбердиев Б. Эмоционаликка кўра гап турлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1993. №-1. 33-35- бетлар.

- 28.Қўлдошев Б. Гапда диктал ва модал маъно // Ўзбек тили ва адабиёти. 2000.№-3 68-70 - бетлар.
- 29.Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги замон ўзбек адабий тили. Синтаксис. –Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1987.
- 30.Ҳожиёв А. Инкор ифодаловчи воситалар ва феълнинг бўлишсизлик формаси// 1970. №-4. 53-56 бетлар.
- 31.Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.- Тошкент: ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти, 2002.

INTERNET дан олинган маълумотлар.

[h. http: www. Yazik. Da.ru/attend to/yazuk clix. To / yazuk.](http://www.Yazik.Da.ru/attend%20to/yazuk%20clix.To/yazuk)

[http:www. Philology.ru / lingvistiks 2 / belovolskaya - 01, htm.](http://www.Philology.ru/lingvistiks%20belovolskaya-01.htm)

Манбалар

1. Ҳошимов Ў. Нурли дунё. Икки жилдли. Биринчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 1998.
2. Ҳошимов Ў. Умр савдоси. Икки жилдли. Иккинчи жилд. - Тошкент Шарқ, 1998.
3. Ҳошимов Ў. Дафтар ҳошиясидаги битиклар. –Тошкент: Шарқ, 2000.
4. Ҳошимов Ў. Ҳадикли тушлар. Икки жилдли сайланма. Иккинчи жилд. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2002.
5. Ҳошимов Ў. «Қатағон» фожеа // «Шарқ юлдузи» журнали. 1999 йил, 56-72 бетлар.